

МУМТОЗ АДАБИЁТДА ИЗДОШЛИК АНЪАНАЛАРИ

Насиба Сайдалиева Фарходовна,

Филология фанлари номзоди.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи

(Ўзбекистон Республикаси)

e-mail: nasibasaydalievafarxodovnaa@gmail.com

Мобл:+998904705502

Аннотация: *Мақолада XIX асрда яшаб ижод этган шоира Муаззамхоннинг Фузулий ижодига издошлик анъанаси ҳақида гап боради. Шоиранинг айрим ғазаллари бадиий таҳлил қилинган.*

Калим сўзлар: *тасаввуф, ҳижрон, ғазал, фироқ.*

Марказий Осиёда Фузулийнинг тасаввуфий рух билан суғорилган ғазаллари ижод аҳлининг кенг доираларига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади. Бу ҳол XIX аср ўзбек шоирлари ижодида, айниқса, равшан кўринади. Шу давр шоирларидан бўлган Муаззамхоннинг Фузулий ижоди таъсирида яратилган ғазалларидан бири «Ғамхўр йўх» радифли ғазалидир. Ғазалда шоира юрак дардларини тинглайдиган ягона ғамхўр - Оллоҳга мурожаат этади:

Эй сени зотингдин ўзга менга бир ғамхор йўх,
Арзи ҳолим шарҳ этарға маҳрами асрор йўх.
Водии ҳижрон аро кўп тортадурман зорлиқ,
Бор юз минг дарди пинҳон, тоқати дийдор йўх .

Ғазал Фузулийнинг:

Эй Фузулий, сахлдур ҳар ғамки ғамхори йўх,
Ғам будурким, манда минг ғам бор, бир ғамхор йўх,-ғазалига эргашиб ёзилган. Шоира Фузулий ғазалидаги асосий сўз ва образлар воситасида ўз кўнгил ҳасратларини шеър мазмунига сингдиради.

Муаззамхон ўз ижодида ҳаётдаги воқеаларни аёл қалби билан ҳис этади ва уларни аёлларга хос нафосат, назокат билан ифодалайди. Бу ҳол унинг ғазалларида воқеалар давомидаги ўта бахтиёрлик соатлари ёки ўта изтиробли дамларининг аёлга хос завқу шавқининг куюнчаклик билан қаламга олинишида кўзга ташланади. Муаззамхоннинг «Мисоли най» деб бошланувчи бир ғазалига эътибор қаратайлик:

Мисоли най сени ҳажрингда афғон айладим ҳар шаб,

Нечук иқбол экандур, ҳеч ҳосил бўлмади матлаб?

Муаззамхон шеърятида қаламга олинган етакчи мавзулардан бири хижрон, фироқдир. Муаззамхон фироқ ўти, хижрон дарди хусусида сўз юритар экан, уни анъанавий най тимсоли воситасида рўёбга чиқаради. Шарқ шеърятида най айрилиқ оташини ифода этадиган кулай воситадир. Най - аслидан ажралган рух тимсоли, ошиқ қалб рамзи. У аслига қараб тинимсиз равишда интилади, нола-изтироблар билан ўзлигини ва ўз Роббини англаб боради. Шоира «Нола айлаб» деб бошланувчи ғазалида ҳам бу образларни ёнма-ён қўллаб фикрини ривожлантиради:

Бу қуруқ жисмим мисоли най каби афғондадур,
Фурқат ўтидин куюб, қолғуси хокистар бўлиб.

Най воситасида образли кўриниш касб этадиган хижрон тушунчасини Жалолоддин Румий:

Тингла, най не ҳикоятлар қилур,
Ким жудоликдан шикоятлар қилур, -

тарзида ифода этса, Фузулий «Ноладандур най каби овозаи ишқим баланд, Нола таркин қилмазам найдек кесилсам банд-банд» кўринишида ифода этган. Кўриниб турибдики, Румий ҳам Фузулий ҳам бир-бирини талаб этадиган бу икки тимсолни ўзига хос тарзда қуйлаганлар. Шарқ мумтоз шеърятидан яхши огоҳ бўлган Муаззамхон ҳам бу образлардан маҳорат билан фойдаланди.

Най ҳақидаги қуйидаги таърифни шоиранинг ҳаёт йўлига менгзаш мумкин: «Бошланғичда най кесилмасидан олдин, қамишликда бўлган ҳолатида ҳар доим нашъу намо ва тоза ҳаёт ичида эди. Кесилиши биланоқ, қуриди. Ориф инсоннинг руҳи ҳам шунга ўхшаб бошланғичда олами арвоҳда ниҳоясиз сувдай шаффоф руҳлар оламидан маҳрум бўлди ва сувсиз қолгандай қуриди. Иккинчидан, найдан ошиқона ва орифона сўзларни эшитасиз. Учинчидан, найнинг садоси, яъни руҳлар оламида сўзланган сўз, билги кўнгилни равшан қилади». Муаззамхоннинг туғилиб ўсган хонадонида, оила даврасида яшаган даврини най кесилмасидан олдин, қамишликда бўлган ҳолатида ҳар доим нашъу намо ва тоза ҳаёт ичида бўлганлигига, унинг узоқ юртга узатилиши ва фарзандларидан бевақт айрилганлигини найнинг кесилиши биланоқ қуришига, бешафқат тақдирнинг зарбаларига қарамасдан шоиранинг бетакрор адабий мерос қолдирганлигини эса, найдан ошиқона ва орифона оҳанглар таралишига қиёслаш мумкин.

Шоиранинг «Мисоли най...» деб бошланувчи ғазалига қайтайлик. «Ҳажрингда қанча фиғон айласам ҳам мақсудим ҳосил бўлмади», - дейди

шоира. Ҳажр бу - ёрдан жудолик, лекин ёр ким? Реал шахсми, хаёлийми, илоҳийми? Маълумки, мумтоз адабиётимизда ишқ икки тоифага ажратилган. Биринчиси - ҳақиқий ишқ бўлиб бу тоифа вакиллари Ҳақнинг жамолини очик кўриш умиди билан яшайдилар, иккинчиси - мажозий ишқ бўлиб, бировда илоҳ жамолини кўриб уни севиш орқали илоҳни севмақдир. Муаззамхон «Матлуб бўлмаган иқбол» деб илоҳ ишқини назарда тутди. Ғазалнинг кейинги байтини ўқиймиз:

Хаёлу фосиду андишаи ботилга йўл юрдинг,
Қабоҳат дарсини хола ажал келганича тиклаб.

Ушбу байт лирик қаҳрамоннинг фақат ўзигагина тегишли эмас, бу сатрлар унинг ўзига ва ўзгаларга қаратилган қалб нидоларидир. Байтда инсон тирикчилик ғамидан, дунёпарастликдан юқори туриши керак, деган ғоя мавжуд. Акс ҳолда ажал келганини сезмай қолади.

Расулни суннاتини жону дилдан устивор айла,
Ки шояд рўзи маҳшар ушлагай ул дастингдан йўқлаб.

Тирикликда Оллоҳ ишқи билан яшаш, унинг севгисидан умидвор бўлиб, яхши амалларни адо этиш Расулуллоҳдан бизга суннат қолган. Бу суннатга амал қилиш сени Пайғамбаримиз меҳрига сазовор этади, - дейди шоира.

Кўнгил асрорини ҳар дўст олдига баён этдим,
Писанд этмай деди: «Кўп сўзлама, беҳудадир бу гап!» .

«Кўнгил асрори» нима эдики, у кишиларнинг эътирозига сабаб бўлган? Бу кўнгилдаги ҳижрон дарди, Яратгандан айрилиқ азоби. Ғазалнинг умумматни шундай хулоса чиқаришимизга имкон беради. Чунки шоира таъкидлаган «ҳар дўст» ҳам «кўнгил асрори»дан воқиф эмас. Шу сабаб «бу гап беҳуда» дейишади.

Инсон руҳининг Парвордигорга интилиши икки йўл билан, яъни тариқат ёки ишқ орқали амалга ошади. Муаззамхон ғазалининг лирик қаҳрамони ишқ жилвалари воситасида Ҳақ васлига етишиш умидида.

Тамизу ақлу идрок - бу учов мендан юз ўгирди,
Кетиб борар учовлон бир-бирини қўлини ушлаб.

Ушбу байт «Табиблар айтди...» деб бошланувчи ғазалини тўлдиради, яъники, бу байтда энди Оллоҳ васлига етишишнинг иккинчи бир йўли – ақл-хушдан айрилиш воситасида етишиш йўли хусусида сўз юритилади. Шеърнинг давомида эса, шоира висолнинг ўлим йўлидан сўз очади.

Бу ҳижрон дардини мушкул дедилар аҳли донишлар,
Эгам даргоҳига боргин бу дардинга даво излаб.

Яна шу ҳижрон дарди... Тасаввуф таълимоти руҳида тарбияланган шоира ҳижроннинг давоси фано бўлмоқдир, деган хулосага келади. Яъни, Парвардигор жамолига руҳ танни тарк этгандагина эришмоқ мумкин, демоқчи.

Илоҳи, ҳеч бандангни фироқ ўтида куйдирма,
Ижобат қил дуосини, агар «омин» деса йиғлаб.

Агар банданг бу ҳаёт икир-чикирларидан чарчаса, тақдир «буқаламунликлари»га дош беролмаса, руҳи ҳар кеч сен сари хаёлан рихлат қилаверса, унинг ўтинчларини беътибор қолдирма, даргоҳингга чорла... . Юқоридаги байтда шоира шу фикрни айтмоқчи.

Албатта, тасаввуф дунёқараши руҳида тарбияланганлар билан бизнинг замонамиз қаричлари руҳида вояга етганлар орасида катта тафовут бор. Бизнинг дунёқарашимиз нуқтаи назаридан Муаззамхон фикрлари ғалати туюлиши мумкин. Муаззамхон ижоди бўйича қилинган айрим тадқиқотларда шоира ижоди бизни шакллантирган муҳит нуқтаи назаридан тадқиқ этилади.

Азал котиби, дўстлар, меҳрини лавҳи замиримга,
Китобат қилди найлай, фуқрат ўтига мени доғлаб.

Шоира «азал котиблари, яъни чарх рафторини қайд қилувчи тақдир ҳукми, манглай ёзиғи, мени ҳижрон ўтида доғлаб, ҳасратларим шарҳини китоб ҳолига келтирди», деган хулосага келади. Машраб бир ғазалида: «Бу дунёнинг дарахтлари қалам бўлса-ю, дарёлари сиёҳ бўлса ва мен осмон дафтарида ҳасратларимни ёзиб чиқсам ҳам, бу ҳижрон дардига даво тополмасман», - деган эди. Муаззамхоннинг юқоридаги байтини шу маънода тушунмоқ лозим. Фузулийнинг қуйидаги сатрларидан ҳам Муаззамхон тилга олган «азал котиблари ёзмишлари» ўзига хос тарзда жаранглайди:

Азал котиблари ушшоқ бахтини қаро ёзмишлар,
Бу мазмун ила хат ул саҳфай руҳсора ёзмишлар.

Шарқ шеъриятида ёр тимсоли ошиқ кўнглининг гўзал жилваларида, ҳаётнинг лаззати ва сурурида, шунингдек, бу ёруғ оламдан қачонлардир абадул-абад ажралиш ҳасратларида ўз ифодасини топиб келган.

Хомуш ўлтир, Муаззам, суҳбати аҳли тамиз ичра,
Фасиҳат бўлмағайсан, эл аро беҳуда кўп сўзлаб.

Ғазалнинг мақтаъси хомуш бўлишга чорлайди. Хомушлик бу - ошиқ кўнглидан жой олган теранлик, мискинлик нуқтаси. «Кўнгил асрори»ни тушунмайдиганларга сўздан кўра хомушлик таъсирлироқ демоқчи шоира.

Хуллас, Фузулий каби Муаззамхоннинг ҳам ҳар бир ғазали китобхонга ана шундай теран фикрлар, ёруғ хаёллар бахш этади. Гўзал инсоний сифатлар соҳиби бўлишга чорлайди. Шоира ижодининг аҳамияти ҳам шундадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акбархўжаев “Шарқнинг етти ёғдуси”, Тошкент.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Тошкент, Фан, 1974 й.
3. Ғаниева С. Алишер Навоий. Тошкент, Фан. 1962 й, 83 бет.
4. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. Тошкент, 1959 й.
5. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент. Фан, 1983 й, 208 бет.
6. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. Тошкент. Ёзувчи, 1996 й, 272 бет.
7. Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожда Навоий роли ҳақида. Навоий армуғон тўплами. Тошкент 1968 й.